

Илм аҳлига маош берган мужтаҳид



09:10 / 27.02.2019 2419

Мазҳаббошимиз Имом Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг саховати ўз даврида тилларда дoston бўлган. У киши тижорат билан кун кўргани, тижоратида ҳалоллиги билан эл оғзига тушгани ҳам ҳақиқат. Тижорати кенг бўлишига қарамай дунёга муҳаббати йўқ, бойликни фақат Аллоҳ йўлида сарф-харажат қилиш, бойларнинг қўлига қарам бўлиб қолмаслик учун топар эдилар. Абдурахмон Раъфат Бошо «Тобеъинлар ҳаётидан лавҳалар» номли асарида мазҳаббошимиз имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ таржимасини зикр қилар экан, қуйидаги ажиб маълумотларни ҳам алоҳида қайд этиб ўтган:

«Бир кун халифа Мансур Имом Аъзам ҳазратларини чорлаб ҳурмат-иззатини жойига қўйди. Ёнидан жой бериб диний ва дунёвий масалалар юзасида турли саволлар берди, фикр алмашди, маслаҳатлар сўради. Имом қайтишга изн сўраган чоғда халифа ўттиз минг дирҳам ҳадя қилди.

Имом Аъзам халифага: «Эй амир, мен Бағдодда ғариб бир одамман. Бунча катта маблағни сақлаш имконим йўқ. Хўп десангиз шу пул байтулмолда турсин. Албатта, менинг ҳисобимда. Қачон муҳтож бўлсам сўрайман, ўшанда берасиз, – деди. Халифа Мансур рози бўлиб, мазҳаббошимиз ҳисобига хазинага 30 000 дирҳам қўйдирди.

Аммо, имомимиз шу воқеадан кейин узоқ яшамадилар. Орадан кўп ўтмасдан қазо қилдилар. Имом Аъзам раҳимахуллоҳнинг уйидан ўттиз мингдан бир неча баробар кўп маблағ топилди. У пулларнинг ҳаммаси одамлар тарафдан омонатга қўйилган маблағлар эди.

Воқеадан хабар топган халифа Мансур: «Абу Ҳанифани Аллоҳ раҳматига олсин. Биздан бирор танга ҳам олмади, берган пулларимизни рад қилишда ҳам латифлик қилди. Қўлимизни қайтарарди-ю, аммо ранжитмасдан уддабуронлик билан қайтарарди, – деди».

Имом Абу Ҳанифанинг бу иши ажабланарли эмас, чунки ул зотнинг ҳаётдаги шиори бундай бўлган: «Ҳеч нарса ўз қўл меҳнати билан топилганидан ширинроқ бўлолмайди!». Шунинг учун ҳам у киши вақтининг бир қисмини тижоратга ажратарди. Бировдан, айниқса, бой-амирлардан асло бирор нарса олмасди.

Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг тижорат дўкони доим харидорлар билан тўла бўларди. У кишининг дўконида ҳалоллик, барака, садоқат ҳамиша ҳамроҳ эди. Имомимиз тижоратидан барака топган савдогарлардан эди. Ҳалол топиб ҳалол сарфлар эдилар.

У киши ҳақидаги машҳуру маъруф хабарлардан яна бири шуки, Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳ аҳли илмлар учун ўз ҳисобидан махсус нафақа тайинлаб қўйган эдилар. Йиллик даромадини ҳар йили ҳисоблар, оилавий эҳтиёжи учун етарли миқдорини олиб, ортиғини сотар ва қорилар, фақиҳлар, муҳаддислар, илм толибларига тақсимлаб берар эканлар. Уларга ҳар ойлик нафақасини беришда: «Бу сизларнинг илм йўлидаги хизматингиз учун Аллоҳ берган маош. Уни Аллоҳ менинг қўлим билан сизларга етказмоқда, – деб айтар экан. Аллоҳ мазҳаббошимиздан рози бўлсин! Баракасидан бизларни ҳам манфаатлантирсин! Омин!

Фароҳиддин Холидов

Islom.uz портали таҳририяти